

## USE OF AGRICULTURAL LAND THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FUNDAMENTALS OF GEOGRAPHICAL STUDIES (IN THE EXAMPLE OF ANDIZHAN PROVINCE)

Dehkonov Begali Muhammedovich

He is a Senior Lecturer at Andijan State University

### ABSTRACT

The article describes research on the specialization of agriculture and improving its management, as well as theoretical issues of the effective use of arable land in agriculture in the Andijan region. Based on the results of the subsequent analysis, recommendations for improving land use were developed.

**Keywords:** agricultural land, Land resources, location of agricultural sectors, food security of the country, Sustainable land management, "geographic center" of the Fergana Valley, landscape approach, plain, hill

**Аннотация:** Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви ва унинг бошқарувининг такомиллаштириш масалаларида олиб борилган тадқиқотлар, ҳамда Андижон вилоятида қишлоқ хўжалигига банд экин ер майдонларидан самарали фойдаланишинг назарий масалалари ёритилган. Қузатув тахлил натижалари асосида ер ресурсларидан фойдаланиши такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалик районлари, Ер ресурси, қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги, Ер ресурсларини оқилона бошқариш, Фарғона водийсининг "географик маркази", ландшафт ёндошув, текислик, адир

**Аннотация:** В статье описаны исследования по специализации сельского хозяйства и совершенствованию управления им, а также теоретические вопросы эффективного использования пашни в сельском хозяйстве Андижанской области. По результатам последующего анализа разработаны рекомендации по улучшению землепользования.

**Ключевые слова:** сельскохозяйственные угодья, Земельный ресурс, расположение сельскохозяйственных секторов, продовольственная безопасность страны, Рациональное управление земельными ресурсами, «географический центр» Ферганской долины, ландшафтный подход, равнина, холм

### INTRODUCTION

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалик районлари таркиби ҳудуд нуқтаи-назардан ўзгариб бормоқда. Жумладан, Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари, хусусан Андижон, Фарғона, Наманганд, Қўқон каби шаҳарлар атрофидан пахтачиликнинг қисқариб бориши ва унинг ўрнига савзавотчилик ва боғдорчиликнинг ривожланиши тенденцияси намоён бўлмоқда. Бундан кўринадики, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг

жойланиш ва ривожланиш қонуниятлари бозор иқтисодиёти даврида ўзига хос хусусият касб этади. Шу боис йирик марказлар атрофида шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги минтақаларининг вужудга келиши, уларнинг ихтисослашувини географик ўрганиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. “Ер ресурслари” тушунчасининг мазмуни бир қатор илмий адабиётларда очиб берилган. Ушбу ишларни умумлаштириб, Ю. Аҳмадалиев ер ресурсларига қуйидагича таъриф берган: Ер ресурси бу – ер фондининг таркибий қисми бўлиб, у ўзига хос тупроқ сифати, иқлим, рельеф, гидрогеологик хусусиятлари билан тавсифланади, жамиятнинг муайян ривожланиш босқичида ундан асосан зарур маҳсулотлар етиштиришда ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг дастлабки йирик соҳаси ҳамда инсониятни озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хом ашёга бўлган эҳтиёжини таминалайдиган иқтисодиётнинг йирик тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги бўлса, қишлоқ хўжалигида маҳсулот олишининг асосий манбаи қишлоқ хўжалиги ерларидир. Чекланган ресурслардан бири бўлган қишлоқ хўжалик ерлари – қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олиш учун мунтазам равишда фойдаланиладиган ер майдонлари бўлиб, унга экин ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар киритилади. Инглиз руҳонийси Т.Р.Малтус икки аср илгари ўз асарларида аҳоли сонининг ортиши геометрик, озиқ-овқат етиштириш арифметик прогрессия тарзида ўсишини таъкидлаган эди. XIX асрнинг 20-30-йилларида ўзининг қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш бўйича илмий фикрларини маҳсус асарларида баён қилган, яъни foянинг асосий моҳияти ягона шаҳар, истеъмол маркази атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни ҳудудий ташкил қилишдан иборат қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришнинг ёки қишлоқ хўжалиги географиясининг дастлабки илмий асосини яратувчиси И. Г. Тюнен эди.

Аҳолининг сони ортгани сари, уларни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб муаммо глобал тус олиб бораверади, иккинчи томондан ер ресурслари чегараланганд, бунинг чораси қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини мақсадли жойлаштиришdir. Қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви – унинг алоҳида тармоқларини тўғри жойлашуви ва иқтисодий асосланиши демакдир, бу эса ҳудудий меҳнат тақсимотининг асосида ётади ва ўзининг ишлаб чиқариш кучларини ривожланганлиги, товар хусусиятига эга эканлиги билан ажralиб туради, яъни бунда қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви ишлаб чиқаришни жадаллашувининг ажralмас қисми бўлиб хизмат қиласди.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини бошқариш ва ихтисослаштириш даврида агроиқлиний районлаштириш ишлари Л.Бабушкин, агротупроқ-иқлиний А.Генусов, Б.Горбунов ва Н.Кимберг, агромелиоратив Б.Федоров, гидромудул В.Легостаев ва В.Коньков, геоботаник ишларини Р.Верник, К.Зокиров, И.Гранитов томонидан бошланиб, Фарғона водийсида Г.Н.Черданцев ва К.Н.Бедринцевлар бошчилигидаги Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши (СОПС) ходимлари (1954), кейинчалик агрогеографиянинг назарий масалалари, қишлоқ хўжалигини районлаштириш, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тизимлари ва агросаноат мажмуалари бўйича В.Четиркин, З.Акрамов, К.Лапкин, А.Рўзиев, Қ.Абирқулов,

О.Абдуллаев, М.Юсупов, А.Содиқов тадқиқотларида, Янги ерлар, чўл ва тоғ олди минтақаларини ўзлаштириш ва шу асосда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ер-сув захираларидан фойдаланиш, сув омборларини қуриш ва суғорма дехқончилик масалалари Р.Ходиев, Т.Эгамбердиев, Е.Умаров, С.Сайдкаримов, С.Исломов, Ф.Ашурев, З.Хошимов, Ш.Азимов, Х.Золотарев, К.Курбонов, Б.Шотурсунов, Т.Шотўраевларнинг ишларида, шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги географияси Р.Усманов, С.Боқиев, Х.Халиловалар томонидан, боғдорчилик ва узумчилик, чорвачилик, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича М.Махмудова, Х.Шосаидов, К.Гадоев, А.Холмирзаев, Қ.Алланов, Ҳ.Абдуназаровлар илмий изланишлар олиб боришган, алоҳида районлар қишлоқ хўжалигига М.Валихонов (Қўқон воҳаси), О.Абдуллаев (Фарғона водийси), И.Ишчонов (Хоразм воҳаси), Е.Умаров (Қорақалпоғистон Республикаси), Ю.Аҳмадалиев (Фарғона водийси) ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.

Таъкидлаш керакки, Андижон вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, сув захираларини оқилона бошқариш, агар соҳа инфратузилмасини такомиллаштириш, қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини ошириш бўйича илмий изланишларга эътибор қаратилмаган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, агарар секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий-географик омилларини, жумладан Андижон вилояти қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг ҳудудий жихатларини бугунги кун шароитида тизимли ва мажмуали тадқиқ қилиш ҳамда унинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ихтисослашувини иқлим шароитлари, ҳарорат, ер ости ва ер усти сувлари, тупроқнинг физик ва кимёвий хоссалари қўп жиҳатдан ифодалаб беради. Иқлим салоҳияти, яъни иқлим шароити ва ресурслари қишлоқ хўжалиги ривожланишини белгилайдиган муҳим табиий омиллардан биридир [2].


Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ( $448.97$  минг км $^2$ )  $0.96$  фоизини эгаллагани холда ( $4.3$  минг км $^2$ ), аҳолининг ( $3066.9$  минг киши)  $9.2$  фоизи истиқомат қиласи. Андижон вилояти аҳоли зичлигига кўра Республикада олдинги ўринда туриб, ҳозирда  $1\text{км}^2$  га тўғри келувчи аҳоли сони  $713$  кишига етди.

Статистик маълумотларга кўра 2010-2021 йилларда мамлакатимиз аҳолиси  $29.1$  млн. кишидан  $34.7$  млн. кишига етиб бу даврда  $119$  фоизга ортган, қишлоқ хўжалигининг умумий ер майдони  $21453.2$  минг гектардан  $20236.3$  минг гектарга тушиб жами  $1216.9$  минг гектар ёки  $5.7$  фоизга камайган, шу жумладан: ҳайдаладиган ерлар  $3988.5$  минг гектар, қўп йиллик ўсимликлар  $383.1$  минг гектар, пичанзор ва яйловлар  $11028.3$  минг гектар ва бошқа ерлар майдони  $4836.4$  минг гектарни ташкил этади.

Вилоят ҳудуди кичик бўлишига қарамай, табиий географик хусусиятлари ранг баранг. Вилоятнинг текислик ландшафтлари эгаллаган қисми Ёзёвон ва Қорақалпоқ чўли чўл

ландшафттига, адир ландшафтлари Асака, Боғишамол ва Тешиктош адирларига, шимолида Чотқол тоғ тизими, шарқида Фарғона тоғ тизимининг, жануб ва жануби шарқида Олой тоғ тизимининг 1000-2000 метр баландликдаги паст тоғлари ландшафтларига тўғри келади. Ҳудудини шарқдан ғарбга томон 120 км масофада оқиб ўтувчи Қорадарё дарёси иккига: шимол ва жанубга ажратиб, энг ғарбий қисмида Балиқчи туманининг Қўрғонча қишлоғи ёнида маҳаллий ахоли томонидан Чумчукёр деб аталувчи ҳудудда Норин дарёси билан қўшилиб Сирдарё номини олади.

Андижон вилояти рельефи ўзига хос бўлиб Фарғона водийсининг марказий қисмларини әгаллаб ғарбдан шарққа ва атрофга томон баландлашиб боради. Адабиётларда келтирилганидек, Фарғона водийсини қозонга қиёсланса, қозоннинг таг қисмидан ёки марказидан вилоятнинг ғарбий ҳудудлари ўрин олган, бунга Улуғнор туманида Оқтом қишлоғида ўрнатилган водийнинг марказини англатувчи маномент исбот бўла олади. Замонавий географик ахборот тизимлари ёрдамида Фарғона водийсининг "географик маркази" эканлигини хам кўриш мумкин (1 расм). Бу нуқтадан



вилоят маркази Андижон шаҳри 60 км шарқда жойлашган. Вилоятнинг энг шимолий нуқтаси Пахтаобод тумани Маданият қишлоғи бўлиб,  $41^{\circ} 03'$  шимолий кенглик, энг жанубий нуқтаси Марҳамат тумани Қорачатир тоғларининг шимолий ёнбағирларида,  $40^{\circ} 24'$  шарқий узоқлик, шарқий нуқтаси Хонобод шаҳри яқинида жойлашган Жийдабулоқ қишлоғи шарқида  $73^{\circ} 10'$  ш.у., энг ғарбий нуқтаси эса Улуғнор тумани Янги Балиқчи қишлоғи ғарбida  $71^{\circ} 31'$  ш.у. га тўғри келади. Вилоят шимолдан жанубга 73,6 км, ғарбдан шарққа 139,4 км га чўзилган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги ерларига бўлган муносабатлар табиий омиллар билан бир қаторда агродемографик характерга ҳам эга. Вилоят статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2005 йилда вилоят умумий майдони (4303.03 кв.км.) нинг 1967 кв.км. қисми ёки 45.7 фоизи экин ерларини ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич бўз ерларни ўзлаштириш ва яйловларни қисқариши ҳисобига 2017 кв.км. етказилиб 102.6

фоизга ортган бўлса, аҳоли сони 2005 йилга 2.342 минг кишидан 2020 йилда 3.127 кишига 133 фоизга ортди. Вилоят жами экин ерларининг улусида 2020 йил 01.01. ҳолатида Қўрғонтепа 21.2 минг га., Улуғнор 20.7минг га., Балиқчи тумани 19.4 минг га. билан мос равишда 1,2,3 ўринларда, Хўжаобод тумани 6.35 минг га., Булоқбоши тумани 7.34 минг га., Асака тумани 9.96 минг га. билан вилоятда паст кўрсаткичларга эга.

Қишлоқ хўжалик антропоген босимининг агродемографик тури кўрсаткичлар сифатида 1 кв.км.га тўғри келадиган қишлоқ аҳолисининг сони (киши ҳисобида) ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган экин ерлар (сотих ҳисобида) кўрсаткичлари олинганда номутаносибликлар яққол кўзга ташланади.(1 жадвал).

**1 жадвал Андижон вилояти туманлари қишлоқ хўжалик антропоген босимининг агродемографик тури кўрсаткичлари (2020.01.01 ҳолатига)**

№	Туманлар номи	Майдони (кв.км.)	аҳоли сони (минг киши)	1 кв.км.га тўғри келадиган аҳоли сони(киши)	Суғориладиган ерлари (га)	
					Жами	(аҳоли жон бошига)
1	Олтинкўл	221.7	176.7	797	11174	0.06
2	Андижон	369.15	261.8	709.2	12783	0.049
3	Асака	283	325.8	1151	9963	0.03
4	Балиқчи	338.92	199.3	588	19419	0.097
5	Бўз	200.47	71.7	357.66	12346	0.17
6	Булоқбоши	188.96	141.9	751	7346	0.05
7	Жалолқудуқ	368.65	184.8	501.3	17863	0.096
8	Избоскан	282.54	236.4	836.7	16715	0.071
9	Қўрғонтепа	462.39	214.8	464.5	21178	0.098
10	Марҳамат	305.36	172.1	563.6	13287	0.077
11	Пахтаобод	259.99	191.7	737	15562	0.08
12	Улуғнор	356.69	59.3	166	20762	0.35
13	Хўжаобод	228.86	109.5	478	635	0.005
14	Шаҳриҳон	334.58	297.7	889.8	16159	0.05
15	Андижон ш	65.54	441.7	6739.4	26	0.00006
16	Хонобод ш	36.23	42.5	1173	805	0.02
	ЖАМИ	4303.03	3127.7	726	201738	0.065

Изоҳ: 1.Жадвал вилоят қадастр қўмитаси ва статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

2. Вилоят қишлоқ туманларидан ташкил топгани учун жами аҳоли қамраб олинди.

Вилоятда мавжуд гидрометеорологик станциялардан олинган узоқ йиллик маълумотлар таҳлилига кўра асосий омил микроклимат жиҳатидан фарқланувчи хусусиятлар нафақат ландшафтларда балки урочишларда ҳам намоён бўлади. Иқлимдаги ўртача кўрсаткичлар фарқи табиат ва унинг компонентлари ранг бараглигини, ҳамда худуд майдони кичик бўлишига қарамай янада кичикроқ ландшафт геотизимларига ажратилишини мумкинлигини кўрсатади. Бундан келиб чиқиб геотизимларга мос

равиша қишлоқ хўжалик әкинларини жойлаштириш, (ландшафт ёндошув) [1] агроландшафт бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Андижон вилояти статистик ахборотномаси. Андижон -2020.
2. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Статистик материаллари Тошкент. 2020.
3. М.Мамажонов. Андижон географияси. Тошкент: Академнашр,2018
4. Абдувалиев Х. Аҳолининг ҳудудий ташкил этилишини ландшафт омили асосида такомиллаштириш (Фарғона водийси мисолида). География фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертация автореферати. Тошкент -2020.
5. АХМАДАЛИЕВ Ю. И. “Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигига фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш (Фарғона водийси мисолида)” География фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент - 2007.
6. <https://lex.uz/docs/4378526>